

**ЧОРВАЧИЛИКДАН ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ОЛИШДА
ҚЎШИМЧА ОЗУҚА СИФАТИДА СУЯК УНИДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ**

Б. Бойбулов

*Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти
(ЧПИТИ) Қашқадарё илмий-тажсриба станцияси (ИТС)
қ.х.ф.н., катта илмий ходим*

Л.Абдуазизов

*Қашқадарё вилояти олий таълим фан ва инновациялар
бошқармаси Инновация ривожланниш шўъба мудири*

А.С.Юлдашев.

“PREMIUM BONE FLOUR” МЧЖ, лойиҳа раҳбари,

Аннотация: Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва ўсимликлар озуқа базасини мустаҳкамлаши мақсадидаги суюкни экструдация йўли билан қайта ишилаб маҳсулот ишилаб чиқаришини йўлга қўйиш ҳамда қишилоқ хўжалиги ҳайвонларини жадал ривожлантириши ва чорвачилик маҳсулотларини кўплаб етишиши илм-фан олдида турган долзарб масалалар ҳисобланади.

Калит сўзлар: Чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик, ўсимликлар, маҳсулот, суюк, экструдация, кальций, фосфор, озуқа.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига ошиб бораётган эҳтиёжини қондириш чорвачиликни янада ривожлантиришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида чорва молларидан олинаётган маҳсулотларни қайта ишиш соҳа олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигидан далолат беради.

Президентимизнинг

2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307 сонли “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 1-илова 63-банди ижросини таъминлаш мақсадидаги ишилаб чиқилди. Лойиҳа доирасида чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик саноатини ривожлантириш билан бирга табиатни ифлослантираётган суюк чиқиндилари асосида импорт ўрнини босувчи маҳаллий биологик фаол қўшимчалар(суюк уни, гўшт ва суюк уни, балиқ уни) ишилаб чиқарилади.

Қашқадарё вилоят Нишон тумани “PREMIUM BONE FLOUR” Масъулияти чекланган жамиятида олиб борилади. Тадқиқотлар натижасида паррандачилик, балиқчилик ҳамда майда ва йирик шохли чорва моллари учун қўшимча озуқа ҳамда дехқон хўжаликлари учун эса сифатли ўғит ишилаб чиқарилади. Илмий-тажрибалар

Нишон тумани чорвачиликка ихтисослашган худудлигини ҳамда инновацион туманлигини инобатга олган ҳолда, атроф-мухитни ифлослантираётган чиқиндиларни утилизация қилинади ва ундан ҳом-ашё сифатида фойдаланиш ҳисобидан юқори кўшимча қийматли маҳсулотлар тайёрланади.

Материал ва методлар. Ҳозирги кунда балиқчилик, паррандачилик саноатида ем ишлаб чиқараётган ташкилот ва корхоналар озуқа ишлаб чиқариш учун бу турдаги кўшимчани бошқа давлатлардан катта миқдорда импорт қилмоқда. Масалан 2020 йилда мамлакатимизга 18 млн. 801,7 минг долларлик чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик соҳасидаги озуқа манбаларининг импорти амалга оширилган.

Аҳолининг турмуш тарзи кундан-қунга ўсиб бориши натижасида уларнинг кунлик эҳтиёжи ҳам ўсмоқда. Бугунги кунда чорвачиликни янада ривожлантириш орқали аҳолини оқсилга бой озиқ-овқатга бўлган талабини таъминлаш чорвадорларнинг олидида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини жадал ривожлантириш ва чорвачилик маҳсулотларини кўплаб етиштириш илм-фан олдида турган долзарб масалалар ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида валюта маблағларининг тежалиши таъминланади. Лойиха чорвадор олимлар кўмагида амалга оширилади.

Маҳсулот Россия, Қозогистон давлатларидан импорт асосида ички бозорга кириб келади ва олий навли 1 кг балиқ уни нархи 9300 сўм, гўшт ва суюк уни 5200 сўм, суюк уни 3500-4000 сўм атрофида сотилади. Ҳозирги кунда Қашқадарё вилоятида жами 6 347 450 бош чорва моллари бўлиб, йилига 297,3 минг тонна гўшт маҳсулоти етиштириллади. Бир бош чорва молларидан 35 фоиз, паррандачиликдан 45 фоиз атрофида техник чиқиндилар чиқади. Таклиф этилаётган лойиха вилоятимизда муҳим ўрин касб этади, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳайвонларнинг озуқа базасини ошириш учун хизмат қиласи.

Эришиладиган асосий натижалар. Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва ўсимликлардан олинадиган озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида суюкни экструдация йўли билан қайта ишлаб “Premium bone flour” бренди остида маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат. Лойиха амалга оширилиши натижасида 15 нафар янги иш ўринлари яратилади, “Premium bone flour” бренди остида 1,9 млрд. сўмлик (жами 434 000 кг, шундан 90 000 кг балиқ уни, 200 000 кг йирик ва майдада шохли молларнинг суюк уни, 144 000 кг универсал суюк уни) тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. 1 кг балиқ уни 7500 сўм, гўшт ва суюк уни 3500 сўм, суюк уни 3000 сўмдан сотилади.

Олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида, суюк уни минерал моддаларга, айниқса, кальций 1 кг да 245 г ва фосфор 118 г га бой витаминлар тайёрланади. Бир кечакундузда соғин сигирларга 60-200 г, бир ёшгача новвосларга 15-40 г, кўйларга 35 г, уй паррандаларига (товук, ўрдак, ғоз, курка) 3-10 г дан берилади. Асосан, омикта емларга, сиросга, концентрат озуқаларга қўшиб, майдаланган илдизмеваларга аралаштириб берилади. **Холоса.** Чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик

саноатидан чиқадиган сүяк ва ичак маҳсулотларидан ер структурасини бойитишда муҳим бўлган фосфор ва калций ўғит ҳамда чорва ва паррандалар озуқасида қўшиладиган олий навли фаол қўшимчалар ишлаб чиқарилади. Бу эса чорва молларидан юқори сифатли ва арzon гўшт, сут ҳамда паррандачиликдан тухум маҳсулотлари олишга эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307 сонли Қарори.
2. Б.Бойбулов, Ш.Абдурасолов, F.Носиров, “Қорамолчиликда соғин сигирларни парваришлаш ва сутни қайта ишлаш технологиялари бўйича” Қўлланма, Қарши-2022 й.
3. “Ўзбекистонда чорвачиликни барқарор ривожлантиши қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси томонидан “Деҳқон хўжаликларида қорамолларни парваришлаш ва маҳсулот етиштириш” бўйича амалий тавсиялар, Тошкент-2011 й.
4. У.Носиров, И.Мақсудов, М.Досмухамедова “Ўзбекистонда қорамолчиликни ривожлантириш омиллари”, Тошкент-SMI-ASIASMI-ASIA-2011.
5. Ҳ.Ҳамдамов, И.Мақсадов, С.Юсупов, “Қорамолчиликка фаол инвестициянинг асосий мезонлари” Сут ва гўшт йўналишидаги фермаларни самарали бошқариш бўйича қўлланма, Тошкент-2019.
6. Ҳ.Ҳамдамов, И.Мақсадов, С.Юсупов, Ф.Худоёрова, Р.Қаюмов “Интенсив паррандачиликда инновацион ёндашув” Паррандачилик фермаларини самарали бошқариш бўйича қўлланма, Тошкент-2021.
7. Э.У.Эшдавлатов, “Озуқа аралашмасини оқимли усулда тайёрлайдиган ресурстежамкор техник воситаларни ишлаб чиқаришнинг илмий-техник ечимлари”, Қарши-2023.
8. Халқаро кишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси иштирокида амалга оширилаётган “Ўзбекистоннинг сутчилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини ривожлантириш” лойиҳаси “Ўзбекистонда соғин сигирларни озиқлантириш” Тошкент-2023.
9. “Республикада чорвачиликни ривожлантириш ва соҳада озуқа базасини мустаҳкамлашнинг устувор вазифалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция . Тошкент-2011.